

“Деҳқонобод калий заводи” АЖ устав капиталидаги 51 фоиз акцияларини салоҳиятли инвесторларнинг энг яхши таклифларини танлаш йўли билан сотиш муддати узайтирилди

// 02 may 2020 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/tender/dkz51>

“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти мамлакатимизда амалда бўлган пандемия шароитида ташкилот тизимидаги “Деҳқонобод калий заводи” АЖ устав капиталининг 51 фоиз акция пакетини инвестиция киритиш шarti билан сотиш муддати узайтирилганлигини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли “Кимё саноатини янада ислох қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Деҳқонобод калий заводи” АЖ устав капиталининг 51 % (100 фоиз “Ўзкимёсаноат” АЖ улуши) акция пакети Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан инвестиция киритиш шarti билан сотилади.

Давлат мулкини сотишда тендер савдолари ўтказиш бўйича Давлат комиссиясининг қарори билан (2019 йил 30 сентябрь, №02/1-1328) “Деҳқонобод калий заводи” АЖнинг улушини сотиш шартларига, “Ernst&Young Advisory” МЧЖ инвестиция маслаҳатчиси иштирокида салоҳиятли инвесторларнинг энг яхши таклифларини танлаш йўли билан улушни қуйидаги тартиб ва шартларда сотиш кўзда тутилган.

“Деҳқонобод калий заводи” АЖ устав капиталининг 51 фоиз акция пакетини сотиш муддати узайтирилганлиги муносабати билан барча хорижий инвесторларни ўз сармояларини янада кўпайтиришга ва мамлакатимиз кимё саноати ривожига ўз хиссасини қўшишга чорлаб қоламиз.

Батафсил маълумот учун қуйидаги манзилларга мурожаат этишингиз мумкин:

“Ўзкимёсаноат” АЖ, Тошкент ш., Навоий кўчаси 38.

Тел: +998(78) 140-74-02. Веб-сайт: www.uzkimyosanoat.uz, электрон почта

манзили: project_rafael@uks.uz

Сотувчининг инвестицион маслаҳатчиси: **“Ernst & Young Advisory” МЧЖ**, Ўзбекистон

Республикаси, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси 75, “Инконель” Бизнес маркази. Тел:

+998(78) 140-64-10, Веб-сайт: www.ey.com/uz/en/home, электрон почта манзили: tashkent@uz.ey.com

Давлат активларини бошқариш агентлиги, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси 6. Тел:

+998(71) 259-22-10, 259-22-02, 259-20-70,

Факс: +998(71) 239-47-84, Веб-сайт: www.davaktiv.uz, электрон почта манзили: info@davaktiv.uz